



Мана беш юз йилдан ортик муддатки, Алишер Навоий халк фахри, тилимизнинг байрокдори, шеърият мулкининг султони, маданият ва маънавиятимизнинг порлок куёши бўлиб келмоқда.

Навоийга ўхшаш дохий шоирлар тасодифан дунёга келмайди. Бунинг учун жуда яхши шаклланган ижтимоий-маданий мухит ва ривожланган иктисодий-сиёсий шароит зарурдир. Навоий ўн бешинчи аср фарзанди. Лекин унинг ижодий шахсияти Амир Темур асос солган буюк салтанат билан, шу салтанатдаги маърифий-маънавий кўтарилишлар билан чуқур боғлиқ. Амир Темур Мирзо Улугбек тақдирида канчалик мухим ролни бажарган бўлса, темурийзода Хусайн Бойқаро ҳам Навоийнинг Навоий бўлишида алохида хисса кўшган. Шунинг учун Амир Темур хукмронлиги даврларида шаклланган ва ижтимоий, иктисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг деярли барча жабхаларида ибратли натижалар берган давлатчиликдаги Бирлик туйғуси Навоийни кўп илхомлантирар эди. «Хуросон ва Мовроуннахр тарихида, - деб ёзганди академик Иззат Султон, - «Темур ва темурийлар даври» деб аталмиш палла Навоийнинг тахсин ва гурурини уйготар эди, чунки бу давр «турк улуси» зодагонларининг хокимият бошига келиши ва миллий манадият ҳам адабиётнинг тараккиёти даври бўлди. Зотан, Хуросон ва Мовароуннахрнинг бу давр тарихи гениал шоирнинг бунёдга келишига замин хозирлаган ва Навоий ўз тақдири ва тарихий миссияси билан бу давр орасида узвий, чамбарчас алоқа борлигини сезар эди». Шу боисдан ҳам Навоий фикри очик, рухонияти соғлом, тўғрилиқ, ростлиқ ва ҳақиқатни умр моҳияти деб билган эл учун ижод қилиш заруриятини чуқур хис этган. Сўз билан одамни алдаш, сўз билан ёлгонни ҳақиқатга айлантиришга уриниш миллат манфаати учун катта зиён ва кечирилмас қабохат эканлигини Навоий ҳар нарсадан ортиқроқ тушунган. Улуг шоир бутун ижодиёти мобайнида «Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил», деган талаб ва шиоридан мутлақо чекинмаган. Бу – ижод тажрибасида жуда сийрак учрайдиган ходиса. Навоий ўн бешдан зиёд шеърий шаклларда қалам тебратган. У газал, рубоий ва бошқа турдаги шеърларида инсонга хос жамики гўзал хис-туйғулар, эзгуликка чорловчи маъноларни тасвирлаб берган деса, муболага бўлмайди. Навоийнинг ўзбек тилида илк маротаба «Хамса» яратиши чинакам ижодий жасорат эди. «Хамса» - беш улкан дostonни ўз ичига олган мукамал асар. Ҳар dostonнинг ўзи бир оламдирки, ундаги гоълар, ҳақиқатлар, неча ўнлаб қахрамонлар тақдири инсоният қалбини абадулабад завқлантиришга кодир. Алишер Навоийнинг буюклиги ва халқимиз тарихидаги хизматлари мутафаккир

шоирлиги билангина белгиланмайди, албатта. Навоий бадий ижод жабхасида канчалик тенгсиз бўлса, илмда, яъни олимпикда ҳам шунчалик беназир. Навоийнинг тилшунослик, адабиётшунослик, тарих ва тасаввуфшуносликка багишланган асарлари ханузгача ўзининг илмий кимматини бой бергани йўқ. Тилимиз, адабиётимиз муаммоларини хал килишда бу нодир тадқиқотларга кайта-кайта мурожаат килишимиз, айниқса, ёш авлод улардан пухта хабардор бўлиши зарур.

Алишер Навоийнинг хаёти, адабий, илмий меросини ўрганиш олижаноб меҳнат. Унинг таржимаи холи, меросига кизиқиш XV асрдан бошланган. Навоий асарлари ўз замонасидаёқ мохир хаттотлар томонидан кайта-кайта кўчирилиб, халққа етказилган бўлса-да, навоийшунослик йигирманчи асрда янгича шаклланди. Албатта, шўро даврида Навоий асарлари нашри ва тадқиқи бўйича кўп ишлар килиниб, маълум ютуқларга эришилган. Аммо улар эркин ёки озод бир миллатнинг талаб ва эhtiёжларини кондира олмасди. Чунки, Навоий тўғрисида бахс юритган ҳеч бир олим шўро мафкураси томонидан белгиланган чизиқдан четга чиқа олгани йўқ. Айтиш зарур бўлган фикр-мулохазаларнинг аксарияти тадқиқотчиларнинг кўнглида қолиб кетганлиги энди сир эмас. Шоирнинг айрим асарлари нега мустақиллик замонагача тўлиқ нашр этилмади? Улуг шоир ижодиётининг ирфоний моҳияти, илохий ҳақиқатлари хусусида деярли бахс юритилмаган? Бунинг сабаблари мушоҳада килиниши лозим.

Ёшларимиз Навоийни канчалик чуқур ва пухта билса, маърифат, эзулик, комиллик сирларини ўшанча кенгрок эгаллайди. Навоийнинг сўзлари дилига ўрнашган одам, ўзи истасин-истамасин одамийлик шарафи ва куч-қувватини идрок этади. Навоий сабоқларига амал қилган киши ўз-ўзидан халқ дарду ташвишларини енгиллатишга бел боғлайди, фикрни – фикрсизликка, илм-маърифатни – нодонликка ва жаҳолатга қарши қурол ўрнида ишлатади. Навоийни етарли даражада билиш – адолат, диёнат ва имон-эътиқоднинг кучига ишонч демак. Кўнглида шу ишонч қолиб бўлган одамлар сони жамиятимизда канча кўпайса, инсоний муаммолар ҳар қалай қамайиб боради. Энг муҳими, диний ҳаётдаги маҳдудлик ва чалғишлар ёш авлод онгидан тезрок барҳам топади. Бунга сира-сира шубҳаланмаслик лозим.

Алишер Навоий мумтоз адабиётимизнинг марказий сиймоси. Туркий адабиётнинг энг илгор ва безавол ютуқлари шоир шеъриятида мужассамлашган. Буни Озарбойжоннинг беназир шоири Муҳаммад Фузулий, туркман классиги Махтумқули, козок оқини Абай, қорақалпоқ ёзма адабиётининг асосчиларидан бўлмиш Бердакнинг эътирофларидан ҳам англаш мумкин. Демак, Навоий ижоди қардош халқлар билан бўлган асрий алоқалар, дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва янги поғоналарга кўтаришдаги ўзига хос мухташам асосдир. Навоий ва Жомий ўртасидаги устозу шогирдликни эса ҳар қанча ибрат қилиб кўрсатса, ўшанча қам. Чунки бундай ходисалар кўхна тарих учун ҳам қамбдир.

Хуллас, кейинги йилларда биз Навоийнинг тилимиз, маданиятимиз, адабиётимиз ривожига тарихий хизматларини нисбатан чуқур англай бошладик. Навоийнинг қудратли шахсияти, бетакрор ижодиёти, ижтимоий, сиёсий фаоллиги, бунёдкорлик гайрати хусусидаги тасаввурларимиз нисбатан ўзгарди.

2

Алишер Навоининг газалларидан бирида шундай гап бор:

Дедим: назм ахлининг сархайли ким бўлгай, деди хотиф:

Навоий бўлгай, улким сен тилайдурсен агар бўлгай.

Ўша хотиф – гойибдан овоз бергувчи адашмаган: Навоий хакикатда ҳам шоирларнинг сардори, барча давр туркий шеъриятнинг султонидир. Алишер Навоий шеърияти санъаткорликнинг буюк мактаби. Унинг ижод тажрибаларига таяниб адабиёт тараккиёти хакида мулохаза юритиш ёки «Шоир ким, унинг асосий хунари нима?», - деган сўрокка аник жавоб топиш мумкин. Мен Навоий яшаб ижод килган даврни гохо ўзимча хаёлан тасаввур айлаб, Хазрат шеъриятининг ўқувчилари, мухлисларини кўз олдимга келтиришга уринаман. Улар кимлар? Энг аввало шоирлар, ижодкорлар – гўзаллик ва шеъриятнинг сир-асрорини хам, кадр-кимматини хам англай оладиган кишилар. Кейин илм ахли – Навоийга олимларнинг – шоири, шоирларнинг – олими деб караган, Навоийни илм-фаннинг толмас мухофизи, буюк маърифатпарвар ўларок эъзозлаган олиму уламолар. Яна бир тоифа: Навоий асарларида фалсафанинг энг мураккаб, энг долзарб муаммолари шеър тили ила гўзал талкин килинишига тан берган файласуфлар... Хуллас, Алшер Навоий шеъриятдан бахрамандлик кўнгил эҳтиёжи бўлиб колган мусаввирлар, муганню хофизлар, давлат ва хокимият сохиблари, хак йўлчилари – дарвеш, факир, ориф ва ошиқлар, мадраса талабалари, дин ва шариат вакиллари, косиблар, хунармандалар, дехконлар...

Эхтимол бу кайдлар кимгадир эриш туюлар. Лекин эриш туюлмаслиги керак. Оддий китобхонни кўя турайлик. Шоир – шоирнинг, ёзувчи – ёзувчининг ёзган нарсасини ўқимай кўйган замонда ўқувчининг дид, савия ва ички талаблари деярли унутилган бир даврда, кўпчиликнинг Навоийга кизикиш сабаблари тўғрисида ўйласа асло зарар килмайди. Дарвоке, бундан бир неча йил аввал матбуотда «Навоий хослар шоири», деган бир фикр айтилган эди. «Хослар» - алохида тоифа демак. Одатда ахли тасаввуфга хослар дейилади. «Аъхос» - хосларнинг хоси, «хос» - сараланган кишилар жамоаси, «авом» - саводсиз ёки саводи паст оддий халк, «аъом» - авом даражасига хам кўтарилмаганлар гурухи. Булар тасаввуфий истилохлар. Шунинг учун на тасаввуф нуктаи назаридан, на илм, савия, маданият мезонига кўра Навоийни «хос»лар шоири дейиш хакикатга мувофиқ келмайди. Навоий шохнинг хам, гадонинг хам, ошиқнинг хам орифнинг хам – хамма-хамманинг шоири. Навоий шеъриятдан ким нимани ахтарса, шуни топади. Фикран ва рухан ким нимага талабгор бўлса, унда барчаси мавжуд. Хатто золим ва жохил, нодон ва гумрох хам Навоий шеърларидан шифо топади. Чунки Навоий шеъриятида битта бош максад бор – Комиллик. Битта сарбон туйгу мавжуд – камолот туйгуси. Асосий биргина нур кайноги бор – Ишк.

Бўлмаса ишк икки жахон бўлмасин,

Икки жахон демаки, жон бўлмасин.

Икки жахоннинг ҳам мазмун-мохият ва саодати шу ишқда.

Комиллик тўғрисида сўз юритилган айрим қадимий китобларни ўқиганда, комиллик макоми замин одамига насиб этмайдиган бир нарсага ўхшаб туюлади. Тўғри, комил инсон мартабасига юксалиш машаққатли –риёзат ва захматни талаб этадиган иш. Тасаввуфий мазмундаги комиллик шартлари янада огиррок. Лекин Навоий масалани мураккаблаштирамайди. Аксинча, ҳар қандай мураккаблик ва қийинчиликни осон ҳал қилиш йўли ёки усулларини кўрсатади. Шулардан бири, эҳтимолки, биринчиси, комиллик даъвосини дилдан супуриб ташлаб, ноқисликка нигоҳни қаратиш, яъни ўз нуксонларининг мушоҳадасига киришиш:

Нокис улдурким, ўзин комил дегай,

Комил улким нуксин исбот айлағай.

Ўз қамолидин демас аҳли қамол

Аҳли нуксон иҷрадуру бу қилу қол.

Сенки нуксон иҷра қомилсен, басе,

Олим айтиб ўзни, жоҳилсен басе.

«Нуксон иҷра қомил»лик дегани нима? Бу – нафс дастидан ҳалос бўлмаган ўзлик.

Навоийнинг қомиллик маслағи нафс ҳукмронлигидан бутунлай озод янги бир руҳоний «Мен» салоҳиятига асосланади. Инсоннинг иймони ва виждонини ана шу «Мен» ўз тасарруфига олмагунча, у ҳеч қачон қомиллик завқига етиб қоролмайди. Хурлик, эзгулик, ҳақиқат тўғрисидаги иддаолар шунчаки қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шарқнинг буюқ шоирларидан бири «Оллоҳни жуда очик кўришни истасанг, «Мен»ни жуда очик кўришни ўрган», деганда нафс учун «ўлган», руҳ учун ҳаёт бошлаган ўша янги «Мен»ни эътиборда тутган.

Навоий бир газалида:

Рух раҳмоний эрур, нафс эрур шайтоний,

Икқисин бир-бирига кўшмоқ эмастур машрут,

-дер экан, худди шу «Мен» тақдири учун жавабқарликка қорлагандир. Инсон қисмати ва маънавиятида тасаввур этиб бўлмас ўзгариш, қаройиб янгилиқлар ижодқори бўлмиш ушбу «Мен» ҳусусида сўзлашимизнинг яна бир сабаби қор.

Азизиддин Насафий «Қомил инсон» номли қитобида ёзади: «Билқилки, қомил инсон қуйидаги тўрт нарсага муқамал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси, яхши сўз, иккинчиси, эзгу фаолият, учинчиси, гўзал ахлоқ, тўртинчиси, илм». Бу тўрт нарсага эришган қиши қомил бўлиши мумкин, бироқ хурлик шавқини қўлга қирита олмас экан.

Сабаб? Қунки у ҳали тарқ ва фано холининг мададига муҳтождир. Қунки у яхши ахлоқ, яхши амал ва илмда неқоглик илқариланган бўлмасин, тўла маънода қўнгул тозалиги ва осудалигини қўлга қиритиб билмаган. Хўш, нима қилиш қерак? Фано холидан нажот қутиш лозим. Навоий газалларидан бирида ёзади:

Дединг: «фано недур?» Муҳтасар дейин: «Ўлмак!»

Қи шарқин тилсанг юз рисола бўлқусидур.

Бизда фано шарқида ҳатто бирор рисола ҳам йўқ. Шунинг учун ўша муҳтасар шарқ:

«Ўлмак, йўқ бўлмак»дан бошқасини деяри билмаймиз. Қолбуқи, Навоий девонларидаги неча юзлаб байтлар, бутун бошли газаллар фано талқнига бағишланган. Мана ўша байтлардан айрим намуналар:

Қирсанг фано тариқига девонавор қир,

Ул ваҳҳдинқи, ақл бу йўлда ақиладуру.

ёки:

Фано майхонасида кил гадолиг,
Десангким, бўлмайин султонга мухтож.

Фано тарикининг бош талаби ва туб мохиятини шундай шархлаш мумкин: инсоннинг ихтиёр ва иродаси – унинг сифатлари, бошқача айтганда, шахснинг сифатлари унинг ихтиёр ва иродасини ифода этади. Лекин ўзининг башарий иродаси билан у Хакдан ажралган. Яъни, ирода ўртадаги хижоб. Демак, инсон ўз-ўзича ожизлик, ноқислик, кучсизликларини бутунлай енга олиш имкон ва иқтидорига эга эмас. У фоний нарсадан кечиб, боқийга эришмоғи лозим. Хак иродаси ҳам азалий, ҳам қудратли. Илохий ирода эгаси бўлиш эса, юқорида айтганимиз, одамнинг барча махлуқотлардан буюқлиги ва устунлигини намойиш этадиган қудратли «Мен»нинг тугилиши. Шу учун ҳам Навоий:

Дема жоми фано ичра эзилмиштур ажал захри,
Навоий жон бериб, ул жомни чекмақдур армоним,-
деб ёзган.

Маълумки, комил инсон тушунчасини тасаввуфга биринчи бўлиб Мухйиддин ибн Арабий олиб кирган ва назарий жихатдан асослаб ҳам берган. Унингча, «Инсонни комилдан юқори мукамал бир мавжудлик йўқдир. Бу дунёда «Инсонлар орасида камолга етишмаганлар хайвони нотик – улар фақат сувратда инсондирлар, холос». Бу фикрлар беихтиёр Навоий бобомизнинг бир китъаларини хотирга келтиради:

Ахли маъни гуруҳида зинхор,
Хеч ор айлама гадолигдан.
Ким буларга гадолиг ортикдир,
Ахли суратга подшолигдин.

Демак, «ахли маъни» – комил инсонлар, «ахли сурат» – комиллик насиб қилмаган кимсалар. Навоий шеърияти эса комиллик фазилати ва ҳақиқатларининг мислсиз бир бадий комусидир.

3

Тасаввуфга бағишланган мўътабар китобларда такрор-такрор келтириладиган бир хикоят бор: нақл қилинишича, Шайх Самъуннинг мажлисида бир одам унинг ёнига келиб ўтириб ундан «Мухаббат недур?» - дея сўрабди. «Бугун бу масалани тушунмоққа қодир бирор-бир кимса йўқдур», - дебди Самъун. Шунда унинг ёнига бир қуш келиб қўнибди. Шайх қушни тиззасига олиб, «Мухаббатни англаган бирор жонзот бўлса, мана шу қуш эрур», - дебди-да унга юзланиб сўз бошлабди: «Сўфийлар ишк ва мухаббатда шу, шу... даражаларга юксалдилар. Шундай, шундай сирларни мушоҳада этдилар...» сингари бир қанча гапларни айтибди. Самъун ишк ҳақида шу қадар таъсирли гапирибди-ки, бир пайт унинг тиззасидаги қуш ўлик ҳолида ерга қулиб тушбди. Ва бу ҳол мажлис ахлини хайрон қилди. Хазрат Навоийнинг айрим газалларини ўқиганимда мана шу хикоят тез-тез ёдимга келадигани. У газалларнинг сир ва таъсир қувватини таърифлаш қийин. Баъзан уларнинг башар хайлига мўлжалланганлигига ақл ҳам унча бовар этмайди. Чунки Навоийнинг аксарият газалари, ақлусти бир туйғу ва завқи руҳоний ила битилган.

Нажмиддин Кубронинг таъқдлашларича, «Мухаббатнинг интихоси ишкнинг ибтидоси эрур. Мухаббат калб учун, ишк эса рух учундир». Шунингдек, Хак сифатларининг мушохада этлишига мухаббат, Хак феъллари нурунинг идрокига ишк ва Хак зот нурунинг мушохадасига унс дейилмиш.

Навоий:

Хилвате топиб, сени жисмим аро жон айласам,
Балки жон хилватсаройи ичра меҳмон айласам,
деган мисраларни ёзганида карилик фаслига етган ва рухида унс холи голиб эди. Буни байтнинг умумий мазмунидан, хусусан, хилват орзусидан илгаш кийин эмас.
Хилват – халқдан узоклашиб, улардан айри яшаш учун бирор-бир гўшага чекиниш демак. Тасаввуфий маънода хилват ёки узлатдан кўзда тутилган аосий максад ёмон ахлоқдан ажралиш, тубан ишлардан воз кечиш, калбни жилолантириб, рухни хузур ва фарогатга етиштириш. Бу узок давом этидиган ходиса эмас. Лекин шу киска муддатда маъшука ошиқнинг жисми аро жонга айланиши мумкин. Навоий эса ошиқлар учун доимий орзу бўлиб келган ёр ила хилват хусусида сўзлаётир. Аммо бу хилват мохияти тамоман бошқача. Чунончи: ошиқ ёрни жисми ичра жон этиб «хилват саройи ичра меҳмон» килиш билан кифояланмасдан, «танда жон янглиг» уни жон багрида пинхон тутмокчи:
Хилват элдин ёшурун, хилват аро тан ёшурун,
Танда жон янглиг сени жон ичра пинхон айласам.
Маълумки, жон форсий сўз бўлиб, рух, кўнгил, тириклик нафаси сингари маъноларни ифодалаган. Тасаввуф ва тасаввуф адабиётида жон тушунчаси жуда кенгайтирилиб, калима таркибига янги маънолар киритилган. Масалан, эндигина сайри сулук йўлига кирган дарвешларга мавлавийлар «жон» дейишган. Кўп тарикатларда эса жондан мурод меърожи маънавий бўлган. Бундай юксалиш холидан йирок шеърхон висолни яшириш, махфий саклаш учун «жон пардаси»ни имкони бўлгани қадар хар томонга осиш ёки қандай осишни умуман тасаввур қила олмайди:
Анда ҳам жон пардасин хар сари осиб сатр учун,
Васлинг ихфосин нечаким, бўлгай имкон, айласам.
Хўш, бу гаплар кимга қаратилган ва уларнинг хақиқатини ким тўғри англай олади? Ўзлик масаласида бош котирмаган, ўзликдан кечиш йўл-йўриқларидан беҳабар ҳеч ким. Мосиводан (Хакдан бошқа ҳаммасидан) бутунлай фориг бўлиб Хакка боғланган чин ошиқ ёки ориф мана бу байтда гап нима тўғрисида эканлигини тез ва хатосиз билиб олади:
Чу бу хилват ичра не ўзлук эрур махрам, не мен,
Хар не номахрам дурур, ўздин паришон айласам.
Аслида «Ўзлук» ҳам бир мен. Аммо Навоий шундай бир «хилват»дан бахс юритаётирки, унда ўзликдан нисбатан ажралган, анкроги ишк оташида тобланган иккинчи «мен» ҳам ёрга тўла махрам бўлишга кодир эмас. Бирок, «хар не номахрам» бўлса, барча-барчасини ўздин йироклаштиришга қасд қилган худди ана шу «мен» газалнинг бош қахрамонидир. Нафс ва нафсоний майллар унга агёр бўлганидек, Хакдан йирок қолганлар ва воқиф бўлмаганлар ҳам агёрдир. У ишк изхорига тил нечоғлик ожиз деб билса, хижрон дарди шарҳида ҳам «безабонлиг» «усули»ни танлайди:
Дафъ ўлуб агёр, топсам бор ул хилват аро,
Безабонлиг бирла шарҳи дарди хижрон айласам.
Тасаввур қилинги, ошиқнинг хилватга дахлдор ва байтма-байт таъқидланиб келинган деярли барча истак ёхуд хошилари рўёбга чиқди. У энди мутлак фоориг ва сокин одам. Бундай холнинг хикмати нима? Биринчи хикмати, лахза мазмуни, лахза сурурини ўзида

мужассамлаштирган ва лахза нуридан мунаввар холга сохиб бўлиш. Зеро, бокий умр асрори «бир лахзалик ушбу хол аро» яшириндир. Шу боис хам ошик ҳеч иккиланмасдан, «Умри бокий топкамен, бир лахза ушбу хол аро», дейди. Иккинчи хикмат, ошиклик камолини белгиловчи беҳудлик ёки беҳушлик «макоми»га кўтарилиш. Бу макомда тил ишк асрорига маҳрам эмаслигини англаган ошик бир умр жамол завки ила нфас олишни истади:

Умри бокий топкамен, бир лахза ушбу хол аро,
Ўзни беҳуд, кўзни рухсорингга хайрон айласам.

Сиртдан каралганда, газал мактаъсидаги фикр олдинги байтлардаги гаплар билан мантикан унча боғланмайди. Чунки ўқувчи ишк тарки икрорини хаёлга хам келтирмайди. Аксинча, султоний бир холга етишган ошикликнинг истикболига ўзича инонгиси келади. Аммо газалда талкин этилган «хилват» туйгусини хамма хам идрок қилишга кодир эмас. Айникса, ўздин кечиб, хайрат водийсига етган «беҳуд» ошик ахволига кўпчилик бошқача нигоҳ билан қараши табиийдир. Шоир масаланинг шу жихатини хам ҳисобга олади ва ишк йўлидан чекинишга асло иложи йўқлигини шундай тарзда баён этади:

Эй Навоий, дема икрор айла ишки таркини ,
Ким инонгай, гар ўзумга буйла бўхтон айласам.

4

Одатда орифона газалларда хаёт воқеа-ҳодисотлари ва инсон қисматига чуқур нигоҳ ташлаш, каттадир, кичикдир, ҳар бир нарсани фано ва бақо холи ила мушоҳада қилишга даъват этилади. Алишер Навоийнинг:

Даврон гулию гулшани хорига арзимас,
Гулгун майи балойи хуморига арзимас, -

байти билан бошланган газалининг бирор бир байтида хам хам маъқулланган, эътироф этилган, кадрлашга лойик қўрилган нарса, ҳодиса ёки ҳақиқат йўқ ҳисоби.

Хамма-хаммаси учун битта хулоса, битта ҳукм: «Арзимас!»

Бир ёклама қараш, ёругликни ҳисобга омай, зулматни инкор айлаш Алишер Навоийга бутунлай ётдир. Даврондан ҳар қанча нолимасин, даврни ҳар қанча айбламасин, одам фарзанди ўз даври ва давронидан ажралиб яшай олмайди. Бундай умрнинг маънисини хам, қерағи хам йўқ. Қолаверса, давр ва замонда хамма нарса ёмон дейиш ақлдан эмас. Навоий буни хам шу қадар муқамал билганки, бир газалида:

Давр ичинда фитна хам кўп, хўб хам, валеқ

Бўлмагай мингдин бир ул сарфитнаи давронча хўб,-

дея, ўқувчини даврон мақр-хийлаларидан гафлатда қолмасликка қажирган. Демақ, ёмонни билиш яхшини кадрлашга хизмат этмоғи қерақ. Ёки аксинча. Ана шунда:

Минг йил қиши жаҳон элига қилса шохлик,

Бир дам алар ихонату орига арзимас –

лигини чуқур тушунишда қийинчилик сезилмайди. Тарих не-не жаҳонгирлар мисолида шохлик, салтанат ишки хам бақосизлигини кўп бора ишботлаган. Навоий шохликни дунёга боғлашиш ва дунё ишкининг энг олий шакли ўлароқ тилга олган. Ва шох нақадар

адолат ила хукм юритмасин, тожу тахт халку халойик ори ва кадрининг бир дамлик камситлишига арзимаслигини хакконий таъкидлаган. Шу ўринда бир муаммога аниклик киритиш зарурга ўхшайди.

Навоий газалининг замирида тарки дунё туйгусига даъват бор. Умуман, Шарк мутафаккирлари, айникса, тасаввуф ва тасаввуф адабиёти вакиллари тарки дунё хакидаги фикр-карашларини хамиша очик-ойдин ифодалаганлар. Шўро мафкураси тасаввуф ва мумтоз шеъриятнинг айнан тарки дунёчилик тушунчаларига кескин карши чикди ва уларни тамоман инкор этди. Бу тўғрими, нотўғрими?

Моддийчилик маъносида нисбатан тўғри, аммо маънавий-рухий камолот нуктаи назаридан нотўғри. Дунё ва олам ўзига хос бир хукмрон – хокими мутлок. Одам фарзанди, у билан мураса килишга, унинг талаб, истаклари билан хисоблашишга мажбур. Бундан у хамиша хам ютказавермайди. Балки, эл-юрт манфаати ва тараккиёт учун хисса кўшади. «Хар не кадар бу оламнинг хол ва ишлари ўткинчи бўлса хам, - дейди Азизиддин Насафий, - алдансак ва алданмасак хам бу дунёга эhtiёжимиз бор. Шу эhtiёж туфайли нокаслар билан сухбатлашиш, бехабарлар билан бирга бўлишга мажбурмиз». Тасаввуф, зохиран дунё билан алокани узмай, одамларга нафи етадган хеч бир ишга кўл силтамаган холда, ботинан дунёпараст бўлмаслик, нафс «аркон»лари билан фоний дунёга боғланмаслик йўл-йўриklarини белгилаб берди. Шу учун тасаввуф бошка кўп касб, хунарлар катори, хатто тижоратни хам кўллаб-куватлади. Бу ҳақда улуг юртдошимиз Абубакр Муҳаммад бин Исхок Бухорий Калобозий ёзади: «Сўфийлар зироат, тижорат ва хунардлик каби шариат мувоҳ айлаган йўллар билан мол топиш халол деган нуктаи назарда хамфикрдурлар. Аммо мол топганда хушёр бўлиш, каллоблик килмаслик ва ва шубхали нарсалардан кочиш шартдир. Уларга кўра, меҳнат килиш ва пул топишдан мақсад ёрдам кўлини чўзиш, бировларнинг мол-мулкига кўз олайтириш хиссинг илдизини куритиш, пулни халк учун харж айлашни ният этиш ва кўшниларга гамхўрлик туйгусидир». Бундан ортикрок мурувват, бундан зиёд холис ният ва олий туйгуни тасаввур этиш мумкинми? Алишер Навоий бир газалида:

Замона ахлига гарчи ўюнчиликдур иш,

Енгар хам охир аларни замонанинг ўюни, –

дейди. Бугуннинг тили билан айтганда, бу байтда замонасозлик найранги, шахсий гараз ва иддаоларни кўзлаб замонга мослашиш холати кораланган. Навоий бунини ўз номи билан «ўюнчилик», деб атайди. Бирок бундай ўюнчилигни енгиб, «ўюнчи»ларни забун этадиган бошка бир катта ўйин бор. Бу – замонанинг ўйини.

Инсон шуни билиш, шу шафкатсиз ўйиндан ўзини четга олишда кўпинча ожизлик килади. Ва гоҳо хаёлга келмас дунёсеварлик машгулотларида кўли баландлигини кўз-кўз килмок истайди. Ахир, манкалга оддий ўтин ёкса бўлади-ку! Йўк, халкдан ажралган дунёдор «манкал»ига рангдор, хуш хид таратувчи ёгоч ёндиради:

Манкалда уду сандал агар айласанг ўтун,

Бир лахза дуд бирла шарорига арзимас.

Бундаги «манкал» бир тимсол. Хозирги даврда «манкал»нинг шакллари ўзгариб, турлари кўпайган, албатта. Камёб, кимматбаҳо «ёгоч»га хорисликчи? Акл бовар килмас даражада кучайиб, кенг томир ёзиб кетган. «Дуд» ва «шарор»дан андиша хисси пасайган десак, хакатдан кўз юмган бўламиз.

Тўғри, инсон дунёга бир марта келади. Елдай ўтадиган шу киска умрни эркин, хар кандай карамлик ва мухтожликдан фориг, яйраб ўткашга у тўла хакли.

Дахр богинда неча кунким тириксан, айткил,

Ким яна топмок эмас маълум бу бўстон каби.

Навоийнинг бу ўгитлари нақадар донолик ва ҳаётсеварлик билан айтилган. Лекин акли таний билиш чоғлариданок билмок керакки, ҳаёт бўстонида айш килиш – нафсоний ва шахвоний кувватларга эрк бериш дегани эмас. Мол-мулк йигиш пойгаси, мартаба баландлиги, «тотлиг-тотлиг» емок, «турлик-турлик» кийиб, хашаматли касрларда рохатланиб яшаш – булар ҳам умр мохиятини акс эттирмайди. Навоийга кўра, тириклик айши, аввало, нафсни рухга таслим айлаш, ишк, маърифат, гўзаллик нури ила кўнгулга зийнат беришдир. Шундагина инсон дунё фатҳи учун лашкар тортмок «сипоҳ гарди губорига» арзимаслигини ҳам, одамлар орасидаги бир фурсатлик нифоку жанжаллар асрларга чўзилган умр фарогатини буткул йўқка чиқариш эҳтимолини ҳам англаб одим ташлайди:

Юз карн олам аҳли аро айламак нишот,
Бир дам алар нифоку никорига арзимас.

Навоий шеърларини киши канча кўп ўқиб, маъно маохиятини канча кўпроқ англай бошласа, фикр-мушоҳада меҳнатидан ўшанча хузурланадиган, рухнинг кудрати ва сеҳрига ортиқроқ ишонадиган бўлиб бораверади. Аста-секинлик билан бўлса-да, тубан майллар, кахрли туйгулар, саёз ва киймати хаминкадар тушунчалар калбдан чекина бошлайди. Энг муҳими, сиз ўз гафлатингиз «чегара»сини кўриш, Навоий талаб килганидек, нокикликларингиз исботидан чўчимайдиган холга кўтарилишга уринасиз. Бу умидбахш уриниш жараёнида ўзингизча бир нарсанинг хақиқати ва мохиятини аниқроқ, теранроқ кашф этишга жаҳд киласиз. Бу – фано холи, фано йўли ва факру фанолик орзуси эрур. Чунки, Навоий кайта-кайта фано хусусида сўзлайди, фано сирларини шархлашдан, фано водийсига сайр этишга чорлашдан тўхтамайди. Фикр юритганимиз газал мактаъида ҳам ўқиймиз:

Киргил фано йўлига, Навоийки, даҳри дун,
Бу умри бесаботу мадорига арзимас.

Навоий дунёкарашида комилликни кафолатловчи хол – фано холи, дилни яйратувчи, толиқишлар, ториқишлар, жабр-жафолардан халос этгувчи маскан – фано майхонаси, Хак висоилга етказгувчи йўл – фано йўли.

Абу Наср Саррожга кўра, фано, нафснинг ёмон сифатлардан халос бўлиши ва покланиши. Фано уч турлидир: биринчи, кулнинг ўз нафси ва сифатларидан фано бўлиб, Хак сифатларига эга бўлиши. Бу – фанои афъол. Иккинчиси, кулнинг Хакни билиш билан Хакнинг сифатларидан ҳам фано бўлиши. Бу – фанои сифот. Учинчиси – кулнинг Хак борлигига фанолиги, яъни фанои зот. Фанои афъол шартларини бажаришнинг ўзиёқ инсон ахлоқини гўзаллаштиради. Чунки Хужвирий айтмокчи, жаҳолат фано бўлгач, илм боқий бўлади, гафлат кетгач – маърифат, меҳр ва муҳаббат муқимлашади.

Навоийнинг кўрсатмаси бўйича, фано расмин забт айлашни истаган киши зинҳор-базинҳор нафс ила рухни кориштирамаслиги зарур:

Гар фано расмин килмок тилар эрсанг мазбут,
Нафс ила рухни зинҳорки килма махлут.

Хуллас, шоир фано тариқига зўр ишонч билан қарайди. Шу тариқ орқали, хирка, тасбиҳ, мусалло каби воситаларсиз ҳам ишк ва рух илмини эгаллаб, висолга восил бўлишни алоҳида таъкидлайди:

Фоний ўлгил, тиласанг васлки, бу йўлда эрур,
Хиркау дафтари тасбиҳу мусалло офат.

5

Алишер Навоий таваллудининг беш юз йигирма беш йиллиги тантанали нишонланган йили биз талаба эдик. Ўшанда Навоий асарлари билан бирга Навоий хаёти, ижодига багишланган кўп нарсалар босилган эди. Биз уларни иложи бори ча назардан четга қолдирмаслик ва топиб ўқишга ҳаракат қилардик.

Айниқса, «Ўзбекистон маданияти» газетаси, «Гулистон», «Шарқ юлдузи», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналларида чиққан ижод намуналарини, албатта, ўқирдик. Ўшанда «Гулистон» журналида марҳум шоир Собир Абдулланинг бир туркум шеърлари чоп этилиб, биттаси Алишер Навоийга багишланган мадҳия эди. Шеърдаги бошқа бирор сўзни ҳам ҳозир эслай олмайман, лекин мана бу тўрт мисра ханузгача хотирдан чиқмайди:

Билмак Навоийни – бу зўр маърифат нишони,

Билмак Навоийни – бу юксакка элтар они.

Билмак Навоийни – бу ўз нафъи, йўқ зиёни,

Билмак Навоийни – бу ойнаи жаҳони.

Ёшлиқ тасаввури билан, демак, Навоийни билиш маърифат, юксаклик ва жаҳонни кўриш «хужжати» деган хулосага келганман. Лекин Навоий ижодиётининг моҳият ва руҳоният оламига кириш, гўзаллик сир-асрорини баҳоли кудрат англаш осон эмаслигини, рости ўйлаб ҳам ўтирмаганмиз.

Навоийни англаш «макоми»га етиш том маъноси ила бир саодат. Фақат бунга гоятда секинлик билан, ниҳоятда кўп мутоолаа ва мушоҳада ила, муълум бир ҳаёт тажрибасига эга бўлиш билан эришилади. Демокчимизки, Навоий ижодиётини шошилиб ёки кундалик ҳаёт ташвишларига кўмилиб ўрганиш жуда қийин. Навоий ҳазратларининг ижод қасрларига кириш – муқаддас бир ибодатгоҳга, улкан бир санъат масканига киришдек маҳсус тайёргарликни талаб қилади. Навоийнинг руҳонияти шу қадар баланд, Навоийнинг тафаккур дунёси шу даражада теран ва маҳобатли.

Навоий меросини ўқиб-ўрганиш бундан ўн йиллар муқаддам ҳам алоҳида тоифа ёки гуруҳнинг эҳтиёжи эди. Бугун энди бутун бир миллатнинг эҳтиёжига айланиб бораётир. Демак, миллат тафаккур меҳнатини зиммасига олмоқчи. Руҳоният учун қайгурмоқчи, ўзлигини танимоқчи ва Ватан билан бир жону тан бўлиб яшамокчи. Бундан ҳар қанча қувонса арзийди.

«Навоийни бугун яхши ўрганмоқ керак!» – дейилганда «Кеча нега яхши ўрганилмади?» – деган саволга ҳам жавоб топиш керак бўлади. Шу маънода баъзи фикрларга диққатни қаратмоқчимиз.

Алишер Навоий газалларидан бири шундай байт билан бошланади:

Кийик чарми заиф эгнимга мажнунлуг нишони бас,

Жунун тоши синук бошим уза қуш ошёни бас.

Байт мазмунини унча қийналмасдан тушунса бўлади. Шеър қахрамонининг ташки сувратини ҳам тасаввур этиш осон: «кийик чарми»га ўранган заиф бир вужуд. «Жунун тоши» устидаги яраланган бош. Бу гариб бош соҳибининг бирдан-бир орзуси мажнунлик ҳолига эришиш ва «қуш ошёни»ни манзил айлаш. Демак: «нишон»дан ва «ошён»дан

мурод – мутлок хурлик истагини билдириш. «Кийик чарми» хам, «куш ошёни» хам орзуга ишорат. Лекин кўп катори «заифлик» ва «синиклик» нималигини билсак-да, шахсан мен, холат ўларок уни идрок кила олмайман. Биринчидан, бундай холнинг сирини билмайман. Иккинчидан, бунака холатни яшамаганман. Шунга карамасдан, байт мазмунидан кўнгилга бир енгиллик инади. Негадир айнан «куш ошёни» ибораси дилимга ёкимли эшитилади. Энг мухими эса орзиктирувчи бир кайфиятдир. Бу кайфиятнинг номи рухоний хурлик. У кандай тугилади ва унга кандай эришилади – бу энди муаммо.

Алишер Навоийга кўра, агар кўнгилда ишк оташи ёнмаса, кофирлик билан мусулмонликда фарк колмайди. Ишк бўлмаса зухду такво курук даъводир:

Ишк кўнглунга солиб дард, они кон этмиш,

Ол кисват била кофирни мусулмон этмиш.

Яъни, ишк кўнгулга дард солиб уни кон этмиш. Лекин шу кон кўнгил либоси бўлганлиги туфайли кофир мусулмонга айланмиш.

Албатта, бунда назарда тутилган «кофир» – нафс. Уни мусулмон айлаш «тажриба»си эса соф тасаввуфий тажриба. Бу «тажриба»нинг талаб, эhtiёж, шарт ва мажбуриятларини инобатга олмай, Навоийнинг рух, кўнгул, фано, бако, хурлик хакидаги фикр ва тасвирларини умуман тўғри машохада этиб бўлмайди, Чунки, Навоийнинг лирик кахрамони Хакни ичкин ўларок нафсда мушохада айлагани учун у ниhoятда кучли рухий, хиссий салохият сохибидир. Унинг кўнгил ва рух оламига якинлашининг бир неча йўли бор. Шулардан бири – тасаввуф.

Тасаввуфни коралаш, унинг хакикатларини нотўғри талкин килиб, мутасаввифларни бадном айлашни шўро мафкураси равнаки учун бел боглаб хизмат килган олимлар бошлагани йўк. Бу иш ўнинчи асрлардаёк бошланган. Тасаввуфдаги Хак нарса ботил сифатида кўрсатилгач, Калобозийнинг айтишича, «тасаввуф хакикатини биладиганлар бир гўшага бекиниб, билганларини бошқалардан сир тутганлар. Окибатда халойик кўнлида тасаввуфга нисбатан нафрат уйғониб, кўнгиллар сўфийлардан совиган. Шўро даври адабиётшунослигида Навоий ижодиётини имкони бўлгани кадар тасаввуфдан узоклаштириш ёки ажратиш нуктаи назари хукмронлик килган бўлса, кайта куриш ва ошкоралик замонидан сўнг бунга мутлако тескари харакат бошланди. Яъни, Навоийнинг деярли хар бир шеъридан тасаввуфий маъно ахтариш, кандай килиб бўлса хам ирфоний хакикатларни «кашф» этиш умумий бир интилишга айланди. Кечагина тасаввуфга ёт бир назар билан караган ёки бу таълимотнинг куч-куввати ва мавкеи билан хисоблашни истамайдиган олимлар хам тасаввуф хакида ижобий фикр-мулохазаларини баён килишга киришдилар. Мустакилликдан кейин сўфийлик ва тарикатлар тарихи, тасавуф ва адабиёт муаммолари эркин ўрганишга киришилди. Тасаввуфни пухта тадқиқ этмасдан мумтоз адабиётни текшириш самара бермаслиги равшанлашди. Бу ходиса баъзи навоийшуносларга хам ички бир енгиллик бахш этди. Чунки улар айнан ўша шўро мафкураси талабларини ифодаладиган ва тасаввуф маслаги Навоий дунёкараши учун хам, шеърияти учун хам хал килувчи ахамият касб этмаган, деган хукм ва бахоларининг тасдигини кўргандай бўлишди. Холбуки, айрим саёз ва шошма-шошарлик билан амалга оширилган ишлардан ташкари кўпчиликнинг диккатини ўзига жалб этган ва Навоий ижодиётига янгича карашни тасдиклашга кодир тадқиқотлар хам яратилди. Тўғри, бу ишларнинг ўзига яраша нуксон ва камчиликлари бор. Дастлабки уриниш ва изланишлар учун бунинг ажабланадиган жойи йўк. Биз истаймизми, истамаймизми, навоийшуносликда маълум бир саёзлик, якраглик ва тургунлик кўзга ташланиб турибди. Уни бартараф этиш осон эмас. Бунинг учун биринчи

навбатда Навоий шеъриятининг рухоният ва туйгулар оламига карашларни тубдан ўзгартириш лозим, янгича тадқиқ усул ва йўллари жорий этишга уриниш керак. Навоий шеърларида санъаткорлик билан тасвирланган маъно ва тимсолларнинг зохирий «катлам»лари хусусида бахс юритиш билан чегараланмасдан, уларнинг ботиний «катлам»ларини ҳам очиш лозим. Буни эса тасаввуфий илмга эга бўлмасдан юзага чиқариш жуда-жуда душвордир. Албатта, юкорида кайд этилганидек, Навоийнинг ҳамма шеъридан тасаввуфий мохият излаш ва уларни атайин тасаввуфлаштириш тамоман номакбул ишдир. Айни пайтда, шуни ҳам унутмаслик керакки, Навоийнинг аксарият шеърларида тасаввуфнинг ё зиёси, ё сафоси, ё маъноси ёки истилох ва тимсоли эркин ўрин эгаллаган. Буни ҳам инкор этиб бўлмайди. Факат ишк, факат хакикатда эмас, ахлоқ-одоб, рух, тафаккур, маърифат, шахс тарбияси ва дунёга муносабат масалаларида ҳам тасаввуф Навоий дунёкарашини машъалдай ёритиб турган. Гап бунда Навоийнинг накшбандийлик тарикатини расман қабул қилганлиги ва инсон қисматида доир бир канча ахлокий, маънавий ва фалсафий муаммоларни ушбу тарикат талаб ва кўрсатмалари бўйича ёритганлигида эмас, албатта. Навоийнинг тасаввуфга ёндошуви ва бу таълимотдан кўзда тутган максоди – шахс ва миллат тикдирига масъул, юрт тараккиётига сув ва хаводай зарур тушунчаларнинг истикболи учун ёниб курашган, хакикатни факат таниш эмас, хакикатни севиш салохиятини ҳам кўзлаган мутафаккир санъаткорнинг ёндашув ва максоди эди. Навоийнинг тасаввуф чашмаларидан чуқур бахраманд бўлганлигини исботлаш учун ташқаридан «хужжат» ахтаришга эҳтиёж йўк: улар шоир ижодиётининг ўзида мавжуд. Тасаввуфий тажрибада туйгу ва хаяжон фавкулудда муҳим рол бажарган. Фано мақомида толиб-матлуб ёки ошиқ-маъшук бирлигини акс эттирган завқу-сурурнинг асоси хаяжон унсуридир. Зеро, ишк сурури ва ёруг туйгулардан махрум ошиқнинг йўли тахликалидир.

Жалолиддин Румийда шундай байт бор:

Илмо бар тан занй, море бувад,

Илмо бар дил занй, ёре бувад.

Яъни: Илмни танга сингдирсанг, илон бўлади. Илмни дилга жо этсанг, ёр бўлади.

Навоий меросини хар томонлама теран ва хаққоний ўқиб ўзлаштиришда, ҳеч шубҳасизки илм керак. Лекин у илон тимсолидаги илм бўлмаслиги лозим. Ақл, юрак, рух ва илмни ҳамжихат - уйғунликда ишлата олган одам Навоийнинг ижод галшанига ортикча қийинчилик сезмай, яйраб кириб боради ва сўнги нафасигача ундан ажралмайди.

Иброхим Хаккул